

ярим тиғиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – ўрнатилган тариф бўйича; тиғиз пайт – энг катта юклагали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юклагали соатлари: эрталабки энг катта миқдор соат 6-00 дан 9-00 гача, кечки энг катта миқдор соат 17-00 дан 22-00 гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар миқдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қоронғи вақтида (энг кам юклагали соатларида: 22-00 дан 24-00 гача ва 00-00 дан 6-00 гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 барабар миқдорда камаювчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳидаги “Истеъмолчи”ларнинг бир ставкали тарифига мувофиқдир. Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган “Истеъмолчи”га энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВАгача бўлган “Истеъмолчи”га энергияни реализация қилиш нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланадиган ташкилотлар рўйхатига кирувчи маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи “Истеъмолчи” учун Ҳукумат қарори билан белгиланадиган тарифлар қўлланилади.

3.3. Ушбу шартнома бўйича ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади, яъни ҳисобот ойнанинг 1-санасидан кейинги ойнанинг 1-санасигача.

3.4. “Истеъмолчи” ҳар ойда “Корхона”нинг ваколатли вакили иштирокида ҳисоб-китоб даври охирида ҳисоблагичлар кўрсаткичларини ёзиб олади ва ушбу шартноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисоботни тузади.

Истеъмолчи томонидан электр энергияси сарфи тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари корхонасига белгиланган шакл бўйича ойнанинг 25-санасидан 30-санасига бўлган муддатда ўз қўли билан, факсимил., электрон ёки почта алоқаси орқали тақдим этилган ҳисобот, истеъмол қилинган электр энергиясининг амалдаги ҳажмини аниқлаш учун асос бўлиб ҳисобланади, яъни

Бунда, тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширувчи, уланган қуввати 750 кВА ва ундан юқори бўлган “Истеъмолчи” бўйича энергия (актив ва реактив) сарфининг тўлиқ ҳажмидан ташқари, алоҳида-алоҳида тиғиз, ярим тиғиз ва тунги пайтлардаги ҳажмлари ҳам аниқланиши ва кўрсатиб ўтилиши шарт.

3.5. Энергия сарфи бўйича ҳисобот асосида “Корхона” ўрнатилган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади, 5 кун ичида тўлаш учун ҳисоб фактура ва тўлов ҳисоб варағини ёзиб беради. “Истеъмолчи”да турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объект мавжуд бўлган тақдирда, ҳар бир тариф гуруҳи кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

3.6. Истеъмолчиларга электр энергиясини етказиб бериш, улар томонидан келгуси ҳисобот даври бошлангунча шартномавий миқдорнинг 100 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлангандан кейин амалга оширилади, яъни “истеъмолчи”га энергияни етказиб бериш ойнанинг 10-санасигача ҳисобот ойна ва келгуси ой учун шартномада белгиланган 100 фоизлик миқдор учун олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга оширилган тақдирда, электр энергия узатилади, акс ҳолда ҳар ойнанинг 11-санасидан бошлаб истеъмолчилар тармоқдан ажратилади.

3.7. Тарифлар ўзгарганида “Истеъмолчи” етказиб берилаётган энергия учун янги тарифлар кучга кирган кундан бошлаб истеъмол қилинган энергия учун янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.8. Ҳисоблагичлар ушбу шартноманинг 4-иловасидаги томонларнинг электр тармоқлари баланс мансублилиги ва фойдаланиш бўйича масъуллигини тақсимлаш бўйича далолатномага мувофиқ аниқланадиган электр тармоғининг баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисоблагич ўрнатилган жойгача бўлган участкадаги энергиянинг технологик сарфининг ҳажми “Истеъмолчи” билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.